

Инсонларга сехрни ўргатган икки фаришта кайсилар ва улар нима деб сехрни ўргатишар эди?

**Жавоб**

Хорут ва Морут. Улар имтихон ва синов эканлигини айтар эдилар:

«Ва алар тобе бўлдилар ул нарсагаки, ўкур эрдилар ани шайтонлар Сулаймон алайхиссалом подшоҳлик замонларида. Сулаймондин куфр содир бўлмади ва лекин шайтонлар кофир бўлдиларки, одамларга жоду таълим берур эрдилар. Ва Бобил шаҳрида Хорут ва Морут номлик икки фариштага туширилган нарсани таълим берур эрдилар, ул икки фаришта ҳеч кимга таълим бермас эрдилар, то демасаларки: «Биз ҳақиқатда бир имтихондурмиз, сан кофир бўлма. Алар таълим олур эрдилар ул иккиларидин ул нарсаники, жудо килурлар анинг ила эру хотунни. Холбуки, алар Худодин беизн ҳеч кимга зарар еткизолмаслар. Ва таълим олур ул нарсаники, аларга нуксон етказур ва фойда бермас. Ва таҳкик ўзлари билур эрдиларки, албатта, кимки жодуни сотиб олди, анинг учун охиратда ҳеч бир насиб йўқдур. Албатта, кўп ёмондур ул нарсаки, улар ўз жонларин сотдилар анинг бадалида, кошки, алар билсалар эрди (Бакара, 102).